

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:
№ БД-5510200-3.12
2021 йил “04” 06



НЕВРОЛОГИЯ, БОЛАЛАР НЕВРОЛОГИЯСИ МОДУЛИ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510000	Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши:	5510200	Педиатрия иши

Тошкент – 2021

Тузувчилар:

Маджидова Ё.Н

ТошПТИ, Асаб касалликлари, болалар асаб касалликлари ва тиббиёт генетикаси кафедраси мудири профессор

Азимова Н.М.

ТошПТИ, Асаб касалликлари, болалар асаб касалликлари ва тиббиёт генетикаси кафедраси доценти, т.ф.н.

Хамидова Н.А.

ТошПТИ, Асаб касалликлари, болалар асаб касалликлари ва тиббиёт генетикаси кафедраси ассистенти

Такризчилар:

Рахимбаева Г.С.

ТТА Асаб касалликлари кафедраси мудири, профессор, т.ф.д.

Содиқова Г.К.

ТошПТИ Асаб касалликлари, болалар асаб касалликлари ва тиббий генетика кафедраси профессори

Модул дастури Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида ишлаб чиқилган.

Модул дастури ТошПТИ Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “27” январдаги “8” – сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрел даги “3” – сонли баённома билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июн даги “121” – сонли буйруғининг 1 – иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган

1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

Неврология, болалар неврологияси модули ўқув режанинг клиник модуллари блокига тааллуқли бўлиб, 5 курсда ўқитилади ва умумий шифокор педиатрида тиббий билимлар асосини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Неврология, болалар неврологияси модулини ўрганиш жараёнида умумий шифокор педиатр касал ва соғлом болаларда ёшига хос неврологик статусни текшириш, нерв системасининг зарарланиш симптомларини аниқлаш, топик, синдромологик ва клиник ташхис қўйиш каби билим ва малакаларга эга бўладилар. Клиник модуллар билан бир қаторда неврология, болалар неврологияси модули клиник фикрлаш, қиёсий ташхислаш, касалликларни келиб чиқиши ва ривожланиш сабабларини, энг асосий асаб тизимининг касалликларини олдини олиш ва беморларни реабилитациялаш ҳаракатларини пойдеворини яратади.

Модул дастури тиббий таълим соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти, Педиатрия иши бакалавриат таълим йўналишининг Малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Мазкур модул дастури мавзулари тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриат босқичи клиник модулларининг дастур мавзулари билан узвий боғлиқ ҳолда яратилади.

2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади – талабаларга болаларда кузатиладиган асосий неврологик касалликларни, шошилиш ҳолатларни ва патологик синдромларни даволашда Педиатрия иши таълим йўналиши Малака талаблари ва умумий педиатрларни Квалификацион характеристикасига мос равишда билим, кўникма ва малакаларини ўргатиш; кўп учрайдиган неврологик касалликлар диагностикасини, қиёсий ташхислашни асосларини шакллантириш, амалий кўникмаларини эгаллаш, бўлажак умумий шифокор педиатрини тайёрлаш.

2. Модулнинг вазифалари:

- неврологик ва соматик касалларда асаб тизимининг зарарланганлигини баҳолаш учун турли ёшдаги беморларда неврологик статусни текширишни ўргатиш .
- асаб тизимининг шошилиш ҳолатларида биринчи тиббий ёрдамни кўрсата олишни ва шошилиш госпиталтизацияга кўрсатмаларни аниқлашни ўргатиш.
- болаларда неврологик касалликларнинг анте- ва постнатал профилактика қоидаларини ва соматик касалликларда неврологик асоратларнинг олдини олиш чораларини ўргатиш.
- соматик касалликлар билан оғриган беморларда неврологик асоратларни реабилитация қилиш тадбирларини ўргатиш.

- поликлиника шароитида неврологик касалликларни аниқлаш ва уларни олиб боришни ўргатиш.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникмаларига қўйиладиган талаблар:

Талаба:

- асаб тизимининг анатомо-физиологик хусусиятлари;
- зарарланган ўчоқни аниқлаши;
- кенг тарақалган неврологик касалликларнинг этиопатогенези, классификацияси, клиник кўринишлари, асоратлари, даволаш усуллари ва касалликларнинг олдини олиш чоралари;
- эрта диагностика усуллари ва лаборатор-инструментал текширувларга кўрсатмалар;
- соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;
- тўғри овқатланиш, яқин қариндошчилик никоҳларини олдини олиш **хақида тасаввурга эга бўлиши;**
- турли ёшдаги беморларда неврологик статусни текширишни;
- асаб тизими касалликлари ва синдромларини аниқлай билиши;
- керак бўлган ҳолатларда мутахассис ва стационар даволашга йўллаши;
- тутқаноқ ҳуружида, энцефалитик реакцияларда ва менингизм ҳолатларида шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатишни;
- касалликларни олдини олиш, диспансеризация ва реабилитация ўткази олиши;
- лаборатор-инструментал текширишлар натижаларини таҳлил қила олишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- юзак сезгини текшириш (оғрик, ҳарорат, тактил);
- чуқур сезгини текшириш (мушак-бўғим, вибрацион, танани фазодаги вазиятини билиш, оғирлик, локализация, стереогноз, икки ўлчовли, дискриминация, кинестетик);
- оғрик нуқталарини пальпацияси (Валле, Эрба, Гара, паравертебрал, энса нервини чиқиш нуқталари);
- орқа миё илдизларининг тортилиш симптомларини текшириш (Лассега, Нери, Дежерин, ўтириш, Мацкевич, Вассерман);
- менингеал симптомларни текшириш (энса мушаклари ригидлиги, Керниг, Брудзинский, Лессажнинг осилтириш симптомлари);
- мушак тонуси, трофикаси ва кучини текшириш(m.biceps. m. triceps brachii, m. Piorsoas, m. Gluteus max, m.biceps femoris, m.quadratus femoris);
- координатор доирани (Ромберг симптоми, Бабинский синергияси, бармоқ-бурун, товон-тизза синамалари, эйметрия, диадохокинез, Стюарта-Холмс синамаси) текшириш;
- нормал рефлексларни (пай, тери, суяк усти, шиллиқ қават)текшириш;

- патологик рефлекслари (Россолимо, Жуковский, Бабинский, Оппенгейм, Гордон, Шеффер, Бехтерев 1, 2) текшириш;
- янги туғилган чақалоқлардаги шартсиз рефлекслари (орал ва спинал автоматизм рефлекслари, Бабкин, Кусмауль, ҳимоя, таянч, Галант, Перез) текшириш;
- нистагм, кўз олмалари ҳаракатини текшириш;
- кўз қорачиғини ёруғликка тўғри ва ҳамкор реакцияларини текшириш.
- Хвостек, Труссо, Люст симптомларини текшириш;
- мимик синамаларни текшириш;
- олий пўстлоқ фаолияти – нутқ, гнозис, праксисни текшириш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

1-мавзу: Кириш. Болалар неврологиясига кириш, мақсади ва вазифалари. Нерв системаси онтогенези, нерв туқимаси элементлари.

Неврология модули ҳақида тушунча, бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва бўлимлари ҳақида тушунча. Нерв системаси онтогенези. Нерв туқимаси, гистологияси ва физиологияси. Нейрон тузилиши ҳақида тушунча.

2-мавзу: Мия устуниси: зарарланиш синдромлари ва патологияси.

Талабаларга мия устунини болалардаги узиғ хослиги ва ретикуляр формация ҳақида тушунча бериш. Брунс синдроми, чакка тенториал синдроми ва децеребрацион регидлик. Альтернирлашган синдромлар.

3-мавзу: Координатор сфера: Боланинг ёшига хос бўлган анатомик физиологияси, қон билан таъминланиши, зарарланиш синдромлари.

Мияча анатомияси ва физиологияси. Мияча патологияси. Атаксия турлари

4-мавзу: Экстрапирамида системаси: боланинг ёшига хос бўлган анатомияси, физиологияси, қон билан таъминланиши, зарарланиш синдромлари.

Ихтиёрий ва ихтиёрсиз ҳаракат ҳақида тушунча. Стреопалеидар система анатомияси ва физиологияси. Стриар система зарарланиш синдромлари. Палидар система зарарланиш синдромлари.

5-мавзу: Периферик нерв системаси: боланинг ёшига хос бўлган анатомияси, қон билан таъминланиши, физиологияси. Зарарланиш синдромлари.

ПНС тузилиши. Нерв устунининг тузилиши. ПНС қон билан таъминланиши. ПНС патологияси, зарарланиш синдромлари.

6-мавзу: Вегетатив нерв системаси: ёшига хос бўлган анатомияси, физиологияси, зарарланиш синдромлари.

Симпатик нерв системаси тузилиши. Парасимпатик нерв системаси тузилиши. ВНС сегментар ва сегмент усти қисмлари. Талабаларни ВНС

физиологияси билан таъништириш. ВНС зарарланиш синдромлари ва патологияси хакида тушунча.

7-мавзу: Бош мия пўстлоғи: анатомияси, физиологияси, функцияларнинг жойлашуви, болаларда 2 сигнал системасининг шаклланиши. Болаларда олий нерв фаолиятининг патологияси. Зарарланиш синдромлари.

Бош мия пўстлоғи анатомияси ва физиологияси, қон билан таъминланиши.

Бош мия пўстлоғи вазифалари локализацияси. 2 - сигнал тизимини шаклланиши. Бош мия пўстлоғи зарарланиш синдромлари.

8-мавзу: Нерв системасининг касалликлари классификацияси: болалар нерв системасининг юқумли касалликлари классификацияси. Полиомиелит.

Нерв системаси инфекцион касалликлари классификацияси. Полиомиелит этиология, патогенез клиника, таъхислаш ва даволаш профилактика тадбирларини ўтказиш.

9-мавзу: Бош миyaning қон томир касалликлари. Бош мия қон томир касалликлари классификацияси, бош миyanи қон билан таъминланиш хусусиятлари. Бош миyада сурункали қон айланиш етишмовчилиги. Дисциркулятор энцефалопатия. Этиологияси, патогенези, клиник белгилари, диагностика, даволаш усуллари ва профилактикаси.

Нерв системаси қон томир касалликлар классификацияси (Н.К. Боголепов). Бош миyада қон айланишни ўткир бузилиши ва сурункали бош миyада қон айланиш етишмовчилигини этиологияси, патогенези ва клиникаси хакида тушунча. Бош миyада қон айланишни ўткир бузилиши ва сурункали бош миyада қон айланиш етишмовчилигини таъхислаш: ва таъхислаш мезонлари. Бош мия қон томир касалликлари қиёсий таъхиси, даволаш ва профилактикаси.

10-мавзу: Бош миyада қон айланишининг ўткир бузилишлари. Ишемик ва геморрагик инсултлар. Этиологияси, патогенези, клиник белгилари, диагностика, даволаш усуллари ва профилактикаси. Бош миyада қон айланишни ўткир бузилиши этиологияси, патогенези ва клиникаси хакида тушунча. Бош миyада қон айланишни ўткир бузилиши таъхислаш: ва таъхислаш мезонлари. Бош мия қон томир касалликлари қиёсий таъхиси, даволаш ва профилактикаси.

11-мавзу: Орқамия касалликлари. Миелит, сирингомиелия: этиологияси, патогенези, клиник белгилари, кечиши, диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикаси. Орқамия касалликлари. Миелит, полиомиелит, сирингомиелия: этиологияси, патогенези, клиник белгилари, кечиши, диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикаси.

12-мавзу: Секин кечувчи инфекция гуруҳига қирувчи касалликлар: Ён амиотрофик склероз, тарқоқ склероз ва бошқа этиологияси, патогенези, клиник белгилари, кечиши, диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикаси. Секин кечувчи инфекция гуруҳига қирувчи касалликлар: Ён амиотрофик склероз, тарқоқ склероз ва б. этиологияси, патогенези,

клиник белгилари, кечиши, диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикаси келтирилган.

13-мавзу: Асаб тизимининг ирсий-дегенератив касалликлари. Ирсий касалликлар таснифи. Мушак касалликлари - миопатиялар: этиологияси, патогенези, клиник белгилари, кечиши, диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикаси. Асаб тизимининг ирсий-дегенератив касалликларни таснифи келтирилган. Мушак касалликлари - миопатиялар: этиологияси, патогенези, клиник белгилари, кечиши, диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикаси.

14-мавзу: Болаларда тутқаноқ синдроми, этиологик ва клиник классификацияси, клиника, диагностика, даволаш, биринчи ёрдам, реабилитация.

Талваса хуружлари этиологияси, патогенези ва классификацияси. Талваса хуружларини клиника. Диагностикаси даволаш ва профилактикаси. Катта хуружлар билан кичик хуружларни узаро фарқи.

3.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар 50% назарий ва 50% амалий қисмдан иборат бўлган ҳолда, мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

Амалий машғулотлар мавзулари рўйхати:

1- мавзу: Нерв системасининг клиник анатомияси ва физиологияси. Мия пардалари. Ликвор циркуляцияси.

2- мавзу: Сизги доираси: текшириш усуллари, патологияси. Нерв устунларини тортиб кўриш симптомлари.

3- мавзу: Ҳаракат доираси: текшириш усуллари, патологияси.

4- мавзу: Сизги ва ҳаракат доирасининг зарарланиш синдромлари.

5- мавзу: Рефлектор доира: текшириш усуллари, патологияси. Патологик рефлекслар.

6-мавзу: Координатор доира: текшириш усуллари, патологияси. Экстрапирамида системаси: текшириш усуллари, патологияси.

7- мавзу: I, II, III, IV, VI жуфт бош мия нервлари: текшириш усуллари ва патологияси.

8- мавзу:V, VII, VIII жуфт бош мия нервлари: текшириш усуллари ва патологияси.

9- мавзу: IX, X, XI, XII жуфт бош мия нервлари: текшириш усуллари ва патологияси. Бульбар ва псевдобульбар синдром.

10- мавзу: ВНС, ОПФ: текшириш усуллари ва патологияси, зарарланиш синдромлари.

11- мавзу:Параклиник текшириш усуллари: ЭЭГ, ЭхоЭГ, КТ, МРТ, НСГ, РЭГ, ТКУЗДГ, ангиография, краниография, люмбал пункция. Кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар.

12- мавзу: Касаллик тарихи схемасини анализ қилиш.Шикоятлари, неврологик статус нормада ва патологияда ўзгаришларни таснифлаш. Резюме тузиш, бирламчи, топик, дифференциал ва нозологик ташхис қўйиш.

13- мавзу:Менингоэнцефалит, миелит, нейроСПИД, арахноидитлар этиологияси, патогенези, клиникаси, даволаши, реабилитация ва диспансеризация.

14- мавзу:Невритлар (юз нерви, билак, тирсак, оралик нерви, катта ва кичик болдир, сон, қўймич нерви невритлари) ва полиневропатиялар этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш, даволаши, олдини олиш, реабилитация, диспансеризация.

15- мавзу: Уч шохли нерв невралгияси этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш, даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси. Радикулитлар (бел-думғаза, бўйин радикулитлари) этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

16- мавзу: Дисциркулятор энцефалопатия, бош миёда қон айланишининг ўтиб кетувчи бузилишлари (ТИА ва ўткир гипертоник криз) этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

17- мавзу:Инсултлар (геморрагик ва ишемик), этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

18- мавзу: Нерв системасининг перинатал зарарланишлари (энцефалопатия), болалар церебрал фалажи: этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

19- мавзу: Тутқаноқ синдроми: фебрил тутқаноқ, спазмофилия, ВГЭ. Шифокор тактикаси. этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

20- мавзу:Нерв системасининг ирсий-дегенератив касалликлари: бирламчи миопатиялар этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

21- мавзу:Нерв системасининг ирсий-дегенератив касалликлари:

иккиламчи миопатиялар этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

22- мавзу: Бирламчи бош оғриқлари: мигрень, зўриқишдаги бош оғриқлари, кластер бош оғриқлар этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

23-мавзу: Бош айланишлар ва треморлар этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

24- мавзу: Нерв системанинг ўсма касалликлари этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

3.4. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:

1. Юзаки сезгини текшириш (оғриқ, ҳарорат, тактил).
2. Чуқур сезгини текшириш (мушак-бўғим, вибрацион, танани фазодаги вазиятини билиш, оғирлик, локализация, стереогноз, икки ўлчовли, дискриминация, кинестетик).
3. Оғриқ нуқталарини пальпацияси (Валле, Эрба, Гара, паравертебрал, энса нервини чиқиш нуқталари).
4. Орқа мия илдизларининг тортилиш симптомларини текшириш(Лассега, Нери, Дежерина, ўтириш, Мацкевича, Вассермана)
5. Менингеал симптомларни текшириш(энса мушаклари ригидлиги, Кернига, Брудзинский, Лессажнинг осилтириш).
6. Мушак тонуси, трофикаси ва кучини (m.biceps. m. triceps brachii, m. Psoas, m. Gluteus max, m.biceps femoris, m.quadratus femoris) текшириш.
7. Координатор доирани (Ромберг симптоми, Бабинский синергияси, бармоқ-бурун, товон-тизза синамалари, эйметрия, диадохокинез. см. Стюарта-Холмс) текшириш.
8. Нормал рефлексларни (пай, тери, суяк усти, шиллиқ қават)текшириш.
9. Патологик рефлексларни (Россолимо, Жуковский, Бабинский, Оппенгейм, Гордон, Шеффер, Бехтерев 1, 2) текшириш.
- 10.Янги туғилган чақалоқлардаги шартсиз рефлексларни(орал ва спинал автоматизм рефлекслари, Бабкин, Кусмауль, химоя, таянч, Галант, Перез) текшириш.

11. Нистагм, кўз олмалари ҳаракатини текшириш. Кўз қорачиғини ёруғликка тўғри ва ҳамкор реакцияларини текшириш.
12. Хвостека, Труссо, Люста симптомларини текшириш.
13. Мимик синамаларни текшириш.
14. Олий пўстлоқ фаолияти – нутқ, гнозис, праксисни текшириш.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

- УК¹ 1. Абстракт фикрлаш, анализ, синтез қобилиятлари, замонавий тиббиёт билимларни ўзлаштириш қобилиятига эга бўлиш;
- УК 2. Касбий фаолияти соҳасида фойдаланиладиган ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун компьютер усуллари эгаллаш;
- УК 3. Амалий вазиятларда касбий билимлардан фойдаланиш қобилияти;
- УК 4. Касбий фаолиятни моҳиятини тушуниш ва ривожлантириш қобилияти;
- УКК² 1. Неврологик беморларга тиббий ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлигини баҳолашга тайёргарлик;
- УКК 2. Малакали неврологик беморларни парвариш қилиш ва уларнинг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда маълумотлардан фойдаланишга тайёргарлик;
- УКК 3. Касбий функцияларни бажариш билан боғлиқ вазифаларни белгилаш;
- УКК 4. Тиббий ҳужжатларни, айнан касаллик тарихида неврологик статусни кўрсатиб беришга тайёрлик;
- УКК 5. Неврологик беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашга тайёрлик;
- УКК 6. Ўз фаолиятини илмий изланишлар асосида ташкил этиш, унинг касбий фаолияти соҳасида фойдаланиладиган ахборотларни йиғишга тайёрлик;

Модул давомида лаборатория амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Талабаларнинг Неврология, болалар неврологияси модули бўйича клиник амалиёти таълим жараёнинг 50% ташкил қилади ва кафедранинг клиник базаларининг неврология бўлимларида ўтказилади.

Талабаларнинг ўқув амалиётлари жиҳозланган лаборатория хоналарида ўтказилади. Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва 3 босқични ўз ичига олади:

1. Кириш қисми – машғулотнинг мақсади ва вазифалари аниқланади,

¹УК- умумий компетенция

²УКК – умумий касбий компетенция

ўрганилаётган кўникмадан фойдаланишнинг мотивацион асоси, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади.

2. Кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш – бунда кўникмани босқичларга тўғри тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилади. Тескари алоқани олгунга қадар, яъни ўрганаётган шахс мустақил, бироқ педагог назорати остида бажара олганда, кўникмани бажаришнинг барча босқичларини умумлаштириш, ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиш ва амалий кўникмага эга бўлиш.

3. Хулоса – талаба ушбу кўникманинг педагог назоратида аҳамиятини муҳокама қилиш ва уни турли вазиятларда қўллаш. Ўқитиш жараёнида юзага келган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш.

Талабаларга бажарилаётган амаллар алгоритми мавжуд бўлиши лозим (кафедранинг услубий қўлланмасида касбий йўриқномалар батафсил ёритилган, ўқув хонаси деворига схема кўринишида осиб қўйилган бўлиши лозим). Ўқитувчи назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғрилайди. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладиги, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишга ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашга тайёр бўлишлари лозим.

Машғулот сўнгида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлик даражасини баҳолайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:

1. Организмга зарар келтирувчи факторлар: инфекция, ишемия, яллиғланиш, дистрофия, жисмоний толиқиш, онкология.
2. Хомиланинг, янги туғилган чақалоқларнинг, кўкрак ёшидаги болаларнинг ва кексаларнинг ўзига хос анатомио- физиологик хусусияти.
3. Янги туғилган чақалоқларни шартсиз рефлекслари.
4. ОИТСни тарихи ва келиб чиқиш сабаблари.
5. Бош мия ўсмаси. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш, даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.
6. Орқа мия ўсмаси. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

7. Чакка эпилепсияси. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.
8. Тарқоқ склероз. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.
9. Бўйин радикулитлари. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.
10. Арахноидитлар. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.
11. Бирламчи нерв мушак касалликлари. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.
12. Иккиламчи нерв мушак касалликлари. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.
13. Геморрагик инсульт. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.
14. Ишемик инсульт. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.
15. Иккиламчи генерализациялашган эпилепсия. Этиологияси, патогенези, ташхис қўйиш, қиёсий ташхислаш даволаш, олдини олиш, реабилитацияси, диспансеризацияси.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидагилардан фойдаланади:

- Рефератлар тайёрлайди ва химоя қилади
- Презентациялар тайёрлайди.
- Органайзерлар тузади
- Докладлар тайёрлайди.
- Муаммога йўналтирилган вазиятли масалалар ечади.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Неврология модули бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари тренажёр, виртуал неврологияда тақдим этилган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайерлаш;
- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- моделлар ясаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари.

Неврология, болалар неврологияси модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- оралик назорат (ОН);
- якуний назорат (ЯН).

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Модул бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назоратда талабалар билими таълим моделига асосланган ҳолда назарий ва амалий босқичларда амалга оширилади.

Модулга ажратилган 6,5 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

Модул бўйича таълим олувчи рейтинг қуйидагича аниқланади:

Балл	ECTS баҳо	ECTS нинг таърифи		Баҳо	Таърифи
86-100	А	"аъло" – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>муаммоли саволларни аниқлаши, ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;</p> <p>ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;</p> <p>модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;</p> <p>модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаalarda фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	5	аъло
81-85	В	"жуда яхши" – ўртадан юқори	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва</p>	4	яхши

		<p>натижа, айрим хатоликлар билан</p>	<p>чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
71-80	С	<p>"яхши" – ўртача натижа, сезиларли хатоликлар</p>	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо</p>		

		билан	<p>бир оз камчиликлар билан; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намоёиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	"қониқарли" – сушт натижа, қўпол камчиликлар	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши,</p>	3	Қони қарли

		билан	<p>саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил, аммо ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқиётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
55-59	Е	"ўрта" – минимал натижага тенг	<p>давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қоникарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва ҳатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва ҳатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил эмас ва ҳатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модулининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга</p>		

			эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши; педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши; ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши; назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;		
31-54	FX	"қониқарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантикий хатоларга йўл қўйса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.	2	Қониқарсиз
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантикий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.		

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ (ОН)

Неврология. Болалар неврологияси модули бўйича ОН цикл ўртасида бир марта ўтказилади. ОНга ЖН бўйича тегишли кредитларни тўплаган талаба киритилади. ОН тури кафедра мажлисининг қарори билан белгиланади. ОНда саралаш бали (55балл) йиға олмаган талаба якуний назоратга қўйилмайди.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудирининг томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ва оралиқ назорат қайта ўтказилади.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган ва ОНдан саралаш балини тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯНда талабанинг билим, амалий кўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯН модул бўйича ўқув машғулоти тугаганидан сўнг оғзаки ўтказилади. ЯНда саралаш балини (55балл) йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда кредитни тўлиқ йиғган бўлса ҳам). Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Цикл якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

5.1. Асосий адабиётлар.

1. Маджидова Ё.Н., Содикова Г.К., Усманова Д.Д. «Болалар неврологияси». Тошкент, 2021.
2. Маджидова Ё.Н. «Хусусий неврология». Дарслик. - Тошкент. Sharq. 2012 й.
3. Бадалян Л.О. «Детская неврология». Дарслик. - Москва. Медицина. 2001 й.

5.2. Қўшимча адабиётлар

1. Маджидова Ё.Н. «Соматоневрология». Ўқув қўлланма. - Тошкент. Навруз. 2018 й.
2. Маджидова Ё.Н., Трошин В.Д., Погодина Т.Г., Хрулев А.Е. «Неотложная неврология». Дарслик. - Тошкент. Навруз. 2018 й.
3. Маджидова Ё.Н., Содикова Г.К., Нурмухамедова М.А «Катталар ва болалар неврологик статусини кадамма-қадам текшириш бўйича амалий кўникмалар». Ўқув қўлланма. - Тошкент. ТАМАДДУН. 2017 й.
4. Маджидова Ё.Н., Усманова Д.Д. «Тунельные синдромы». Монография. - Тошкент. Baktria press. 2017 й.
5. Маджидова Ё.Н., Азимова Н.М. “ Пропедевтика болезней нервной системы”. Ўқув қўлланма. - Ташкент. NAVROZ. 2021й.
6. Маджидова Ё.Н., Нурмухамедова М.А., Азимова Н.М., Ким О.В., Хамидова Н.А. «Частная неврология». Ўқув қўлланма. - Тошкент. Узбекистон миллий энциклопедияси. 2014й.
7. Жан Айкарди «Заболевания нервной системы у детей» в 2-х томах. Дарслик. – Москва. Бином. Лаборатория знаний 2013 й.
8. Скоромец А.А., Скоромец А.П., Скоромец Т.А. «Нервные болезни». Дарслик. - Москва. МЕДпресс-информ. 2012й.
9. Шамансуров Ш.Ш. и др. «Неврология раннего детства». Дарслик. - Тошкент. Шарқ. 2010й.
10. Герасимова М.М. «Нервные болезни». Дарслик. - Тверь. Триада. 2003й.
11. Сандригайло Л.И. «Анатомо-клинический атлас по неврологии». Дарслик. – Минск. Высшая школа. 1978й.

5.3. Интернет сайтлари

www.neuronet.ru
www.vrachnevrolog.ru
www.medsocium.ru
www.epiliga.ru
www.mif-ua.com

www.eurolab.ua
www.med-edu.ru
www.neuro-med.ru
www.n-bolezni.ru
www.childneuro.narod.ru

НЕВРОЛОГИЯ ВА БОЛАЛАР НЕВРОЛОГИЯСИ МОДУЛИ СИЛЛАБУСИ

Тўлиқ номи	Неврология ва болалар неврологияси		
коди:	Кредит ҳажми: 6,5 Шундан: ЖН – 6,5 кредит: ОН, ЯН- о кредит (мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 5 курс 9-10 семестр	ECTS value: 5
Таълим йўналиши	5510200 – «Педиатрия иши»	5 босқич бакалаврлари	
Модулнинг давомийлиги	24 кун		
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат:	234	
	Шунингдек:		
	маъруза	28	
	амалий машғулот	44	
	клиник уқиш амалиёти	72	
	мустақил таълим	90	
Ўқув модулининг статуси	Клиник модуллар блоки		
ОТМ номи, манзили			
Кафедра номи			
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Лекторлар Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail:	E-mail:
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Неврология модули давомида талабаларга болаларда кузатиладиган асосий касалликларни, шошилиш ҳолатларни ва патологик синдромларни даволашда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, бўлажак умумий педиатр шифокорини педиатрия йўналиши бўйича тайёрлаш.		
Пререквизитлар	Бу модул учун анатомия, физиология биохимия, педиатрия, фармакология фанлари назарий замин бўлиб хизмат қилади.		
Постреквизитлар	Неврология модули барча клиник олди ва клиник модуллари учун назарий ва амалий замин бўлиб хизмат қилади.		
Модулнинг мақсади	Неврология модулини ўқитишнинг асосий мақсади талабаларга болаларда кузатиладиган асосий касалликларни, шошилиш ҳолатларни ва патологик синдромларни даволашда билим ва кўникмаларни шакллантиришдир.		
Модулнинг вазифалари	Неврологик ва соматик касалларда асаб тизимининг зарарланганлигини баҳолаш учун турли ёшдаги беморларда неврологик статусни текширишни ўргатиш; поликлиника шароитида неврологик касалликларни аниклаш ва уларни олиб боришни ўргатиш.		

<p>Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар</p>	<p>Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Одам организми асаб тизимининг мақсад ва вазифаларини, унинг умумий амалиёт шифокори фаолиятидаги аҳамиятини; -болаларда неврологик касалликларнинг анте- и постнатал профилактика коидаларини ва соматик касалликларда неврологик асоратларнинг олдини олиш чоралари; -нерв тизимининг тиббиёт амалиётида тутган ўрнини; <p>Талаба билиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - модулнинг мақсади ва вазифаларини, унинг умумий шифокор педиатрни иш фаолиятидаги аҳамиятини; - функцияларни клиник текширишнинг энг асосий усуллари билан таништириш турли ёшдаги одамда организм тизимлари нормал ва патологик фаолиятларини кўрсаткичларни; - амалий ишларни мустақил бажаришни, олинган натижаларни баҳолашни; - илмий адабиёт билан мустақил ишлашни, организм тизимларининг таснифи; - асаб тизимининг шошилиш ҳолатларида биринчи тиббий ёрдамни курсата олишни ва шошилиш госпиталтизацияга курсатмаларни аниқлаш; <p>Талаба бажара олиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Юзаки сезгини текшириш (оғрик, ҳарорат, тактил) - Чуқур сезгини текшириш (мушак-бўғим, вибрацион, танани фазодаги вазиятини билиш, оғирлик, локализация, стереогноз, икки ўлчовли, дискриминация, кинестетик) - Оғрик нуқталарини пальпацияси (Валле, Эрба, Гара, паравертебрал, энса нервини чиқиш нуқталари). -Орқа мия илдизларининг тортилиш симптомларини текшириш(Лассега, Нери, Дежерина, ўтириш, Мацкевича, Вассермана) -Менингеал симптомларни текшириш(энса мушаклари ригидлиги, Кернига, Брудзинский, Лессажнинг осилтириш). -Мушак тонуси, трофикаси ва кучини(m.biceps. m. triceps brachii, m. Piopsoas, m. Gluteus max, m.biceps femoris, m.quadratus femoris) текшириш. -Координатор доирани (Ромберг симптоми, Бабинский синергияси, бармоқ-бурун, товон-тизза синамалари, эйметрия, диадохокinez. см. Стюарта-Холмс) текшириш. -Нормал рефлексларни (пай, тери, суяк усти, шиллик қават)текшириш. -Патологик рефлексларни (Россолимо, Жуковский, Бабинский, Оппенгейм, Гордон, Шеффер, Бехтерев 1, 2) текшириш. -Янги туғилган чақалоқлардаги шартсиз рефлексларни(орал ва спинал автоматизм рефлекслари, Бабкин, Кусмауль, ҳимоя, таянч, Галант, Перез) текшириш. -Нистагм, кўз олмалари ҳаракатини текшириш. -Кўз қорачиғини ёруғликка тўғри ва ҳамкор реакцияларини текшириш. - Хвостек, Труссо, Люст симптомларини текшириш. - Мимик синамаларни текшириш. -Олий пўстлоқ фаолияти – нутқ, гнозис, праксисни текшириш. <p>текшириш методларини ўтказишни;</p> <p>-диспансеризация ва реабилитация ўткази олишни.</p>
<p>Таълим бериш</p>	<p>Маъруза,</p>

усуллари	амалий машғулотлар, клиник ўқув амалиёти
Таъминот	Видеоматериаллар, презентациялар, компьютер дастурлари, дарсликлар, тарқатма материаллар, тестлар, вазиятли масалалар, ўқув қўлланмалар.

Ўқитиш натижалари:

Модулни якунлаганда талаба билади:

- болаларда нерв системаси касалликларида неврологик синдромларни;
- нeuroлогик касалларни даволаш, реабилитация ва диспансеризация қилиш принципларини;
- лаборатор-инструментал текшируларга кўрсатмаларни;
- болаларда нерв системаси зарарланишининг клинико-диагностик мезонларни.

Модулни якунлаганда талаба бажара олади:

- нeuroлогик ва соматик касалларда асаб тизимининг зарарланганлигини баҳолаш учун турли ёшдаги беморларда неврологик статусни текширишни;
- асаб тизимининг шошилиш ҳолатларида биринчи тиббий ёрдамни кўрсата олишни ва шошилиш госпиталтизацияга кўрсатмаларни аниқлашни;
- болаларда неврологик касалликларнинг анте- ва постнатал профилактика қоидаларини ва соматик касалликларда неврологик асоратларнинг олдини олиш чораларини кўришни;
- соматик касалликлар билан оғриган беморларда неврологик асоратларни реабилитация қилиш тадбирларини;
- поликлиника шароитида неврологик касалликларни аниқлаш ва уларни олиб боришни

